

**З.А.Умаров, Тошкент молия институти,  
кафедра мудири**  
**А.Ж.Ғайибов, Тошкент молия институти,  
магистр**

## **ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР, УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада тижорат банклари активлари таркиби, молиявий активлар моҳияти, уларни ҳисобга олишнинг миллий ва халқаро тажрибаси ўрганилган. Молиявий активларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва банкларда уларни ҳисобга олишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** банк, актив, банк актив операцияси, молиявий актив, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобварақ, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти.

**Аннотация:** В статье исследуется структура активов коммерческих банков, сущность финансовых активов, национальный и международный опыт их учета. Раскрываются особенности финансовых активов и анализируется текущее состояние их учета в банках.

**Ключевые слова:** банк, актив, активные операции банка, финансовый актив, бухгалтерский учет, счет, международные стандарта финансовой отчетности.

Активларнинг тузилиши ва сифати кўп жиҳатдан банкнинг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини, натижада унинг ишончилигини белгилайди. Капиталнинг етарлиги ва қабул қилинган кредит рисклари даражаси банк активлари сифатига, қабул қилинган валюта ва фоиз ставкалари даражаси эса активлар ва мажбуриятларнинг ҳажми ва муддати жиҳатидан изчиллигига боғлиқ. Албатта бу банк активлари таркибини тўғри шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активларини мукамал таркибий тузилишини шакллантиришдан манфаатдор бўлади ва уни шакллантиришда маълум бир қийинчиликларга дуч келади. Бундан ташқари активларнинг таркибий тузилишида банкнинг қайси мамлакатда фаолият кўрсатишига қараб кўпгина миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Банк активлар таркиби дейилганда баланс якунига кўра ҳар хил сифатдаги активлар салмоғи тушуниб, банкнинг актив ва мажбуриятлари риск, даромадлилик ва ликвидликка таъсири нуқтаи назаридан таққослама таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тижорат банки баланснинг активлари тузилмасига баҳо беришдан олдин юқоридаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб, баланснинг ҳар бир моддасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тижорат банклари актив операциясини амалга ошириш натижасида банк активлари шаклланади.

Банк активлари тўғрисида Ш.З. Абдуллаева шундай фикр билдирган: Банк активлари - бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб-ускуналардан

ташқил топади. Булардан ташқари банкда номоддий активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзларининг моддий шаклига эга бўлмайдилар, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этадилар[4]. Ушбу таърифдан кўришиб турибдики банк активлари моддий ва номоддий кўринишга эга бўлиб, банкка тегишли бўлади. Банк активлари асосан уч гуруҳга бўлинади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, активлар хар доим ҳам банкга тегишли бўлмайди ва балки уларнинг ихтиёрида бўлади.

Г.Г.Коробованинг фикрича, тижорат банкнинг активлари бу бухгалтерия балансининг моддалари бўлиб, тижорат банкининг ресурсларини жойлаштириш ва фойдаланишини акс эттиради[5]. Г.Г.Коробова банк активларини банк бухгалтерия балансининг актив томонида акс эттирилган модда сифатида қарайди ва ресурсларнинг жойлашиши билан боғлайди.

Бухгалтерия ҳисоби нуқтайи назарда олиб қаралганда активларга нисбатан бошқача талқин этилади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кўра активлар – бу компания томонидан ўтган даврларда пайдо бўлган ва компания келажақда ундан иқтисодий наф олишни кутади[6]. Молиявий ҳисоботлар молиявий натижаларни ва бошқа хўжалик операцияларини акс эттиради, уларни молиявий ҳисоботларнинг элементлари деб аталувчи иқтисодий тавсифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гуруҳлайди. Активлар, хусусий сармоя ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир.

Активлар - субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир.

“Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида активлар - субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир деб таъриф берилган[3].

Ушбу таърифдан кўришиб турибдики банк активлари уларнинг ихтиёрида бўлиб, амалга оширган банкнинг актив операцияларидан шакллангандир. Банк активлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда яъни банк балансида акс этади ва унинг элементи сифатида қаралади.

Активлар – тижорат банкининг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, шу жумладан, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ва номоддий мулкдир [7]. Активларда акс эттирилган бўлғуси иқтисодий фойда, тижорат банкининг пул маблағлари оқимига потенциал, бевосита ва билвосита кўшиладиган улушдир. Бу улуш банк асосий фаолиятининг бир қисми сифатида юзага келиши мумкин.

Банкнинг активлари аввалги битимлар ва бошқа воқеаларнинг натижасидир. Банклар одатда активларни сотиб олиб ёки ҳосил қилиб унга эга бўладилар, бироқ, бошқа битимлар ва воқеалар активларни кўпайтиришга имкон беради. Масалан, тижорат банки томонидан миждозларга берилган кредитлар, лизинг, факторинг ва ҳоказолар. Келгусида қутиладиган битимлар ва бошқа воқеалар ўзидан ўзи активларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.

Банк ўз активларидан банк операцияларни амалга оширишда, хизмат кўрсатишда ва уларни бошқариш учун фойдаланади.

Активлар пул, кредит, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар ва ускуналар сингари жисмоний шаклга эга. Бирок, жисмоний шакл активнинг мавжуд бўлиши учун зарур эмас. Масалан, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари агар банк келгусида улардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олишни кутаётган бўлса активлардир.

Активлар, масалан, дебиторлик қарзлари ва мулк юридик ҳуқуқлар, шу жумладан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Актив мавжудлигини аниқлашда, эгалик ҳуқуқи асосий ҳисобланмайди. Масалан, ижарага олинган мулк актив ҳисобланади, агар банк ана шу мулкдан олиниши керак бўлган фойдани назорат қилса.

Шу нуқтаи назардан банк активларини йирик учта гуруҳга бўлиши мумкин:

- молиявий активлар;
- моддий активлар;
- номоддий активлар.

Банкларнинг фаолияти бевосита маблағлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли молиявий активлар салмоғи доим юқори улушга эга бўлган (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Ўзбекистон тижорат банклари активлари таркибининг таҳлили<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар номи	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
		трлн. сўм	%да	трлн. сўм	%да	трлн. сўм	%да	трлн. сўм	%да	трлн. сўм	%да
1	Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари	1,3	1,6	4,8	2,9	5,3	2,5	6,6	2,4	9,7	2,7
2	Марказий банкдаги маблағлар	12,0	14,2	14,9	8,9	11,4	5,3	14,8	5,4	18,9	5,1
3	Бошқа банклардаги маблағлар-резидент	4,3	5,1	6,7	4,0	6,4	3,0	10,1	3,7	13,1	3,6
4	Бошқа банклардаги маблағлар-норезидент	6,6	7,8	18,3	11,0	13,5	6,3	15,4	5,7	21,7	5,9
5	Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	1,0	1,2	1,6	1,0	2,3	1,1	3,2	1,2	9,4	2,6
6	Мижозларнинг молиявий воситалар бўйича мажбуриятлари	1,6	1,9	2,5	1,5	1,9	0,9	0,4	0,2	1,6	0,4
7	Кредит кўйилмалари, (соф)	52,0	61,9	108,5	65,1	164,7	76,8	207,6	76,1	270,2	73,8
8	Асосий воситалар, (соф)	1,8	2,1	2,3	1,4	3,5	1,6	5,7	2,1	8,3	2,3
9	Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар	0,6	0,7	1,4	0,8	2,8	1,3	3,3	1,2	7,9	2,2
10	Банкнинг бошқа хусусий мулклари	0,4	0,5	0,3	0,2	0,2	0,1	0,4	0,1	1,1	0,3
11	Бошқа активлар	2,5	2,9	5,2	3,1	2,4	1,1	5,3	1,9	4,1	1,1
12	Жами активлар	84,1	100	166,6	100	214,4	100	272,7	100	366,1	100

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Банк активлари таркибида асосий улушни мижозларга берилган кредитлар ташкил қилиб 2020 йил якунидан жами активларнинг 73,8 фоизини ташкил қилиб, 2018, 2019 йилларга нисбатан улуши камайган, лекин ўтган бошқа йилларга нисбатан юқори улушга эга. Кейинги ўринларда ликвидли активларнинг салмоғи юқори, жумладан, кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Марказий банкдаги маблағлар, бошқа резидент банклардаги маблағлар, бошқа норезидент банклардаги маблағлар. Бунда молиявий активларнинг жами активларда улуши деярли 95 фоизни ташкил қилмоқда.

Бундан кўриниб турибдики банкнинг асосий актив операциялари сифатида кредит, инвестиция, лизинг ва бошқа актив операцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активларини мукамал таркибий тузилишини шакллантиришдан манфаатдор бўлади ва уни шакллантиришда маълум бир қийинчиликларга дуч келади. Бундан ташқари активларнинг таркибий тузилишида банкнинг қайси мамлакатда фаолият кўрсатишига қараб кўпгина миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттиради.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби банк фаолиятидаги барча операцияларни ўз вақтида ва фойдаланувчиларга қулай тарзда акс борилишини талаб этади. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган операциялар турлари кенгайиб бораётганлиги ҳамда операция моҳиятан мураккаблашаётганлиги банк активлари ҳисобини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Молиявий воситалар (инструментлар), яъни молиявий актив ва молиявий мажбуриятлар ҳисобини тўғри юритиш ҳалқаро даражада долзарб мавзу бўлиб қолмоқда. Молиявий ҳисоботларнинг ҳалқаро стандартларини таҳлил қилсак бугунги кунга қадар тўрт маротаба стандарт ўзгарганлигини ва тўлдирилиб келинаётганлигини кўришимиз мумкин:



**1-расм. Молиявий активлар ҳисобининг ҳалқаро стандартларини қабул қилиниши тарихи<sup>2</sup>**

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан тузилди

Сўнги қабул қилинган 9-стандарт йирик ташкилотларда бугунги кунга қадар муҳокама марказида бўлмоқда. Хусусан Ўзбекистон тижорат банклари ушбу стандартни жорий қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Молиявий активлар тушунчаси дастлаб 32 сонли Молиявий инструментлар: тушунчаси ва маълумотлар ошкор қилиниши МҲХСда келтирилди. Ушбу тушунча кейинги стандарларда ҳам сақланиб қолди. Бироқ замон ривожланганлиги ва янги турдаги операциялар вужудга келганлиги муносабати билан кейинги стандартларда қўшимча молиявий инструментларга таърифлар келтирилди. Жумладан, 39 сонли “Молиявий инструментлар: тан олиниши ва баҳоси” МҲХС стандартида қуйидаги деративлар таърифи келтирилган: форвардлар, фоиз ставкаси ёки валюта курси своплари, фьючерчлар, опционлар. Ушбу ҳосилавий активлар молиявий актив сифатида таснифланади. Ушбу активларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб баланс ёки балансдан ташқари ҳисобрақамларда юритилади.

Молиявий актив – нақд пул маблағлари, шартномадан келиб чиқиб, бошқа хўжалик субъектларидан пул маблағларини ёки молиявий активларни олиш ва алмаштириш ҳуқуқи ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг улушли воситалари[2]. Бундан кўриниб турибдики банк молиявий активлари молиявий воситаларнинг бир қисми ҳам ҳисобланади.

Тижорат банклари активларини ҳисобини юритиш ушбу активнинг функционал хусусиятларини тўлиқ билиш ва шу орқали ушбу активнинг ҳаққоний баҳосини аниқлаш ва рисклилиқ даражасига баҳо бериш орқали молиявий ҳисоботда ёритиб берилиши лозим бўлади.

1 сонли МҲХС “Молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш” стандартига мувофиқ тижорат банклари ўз активларининг ликвидлилиқ даражасига асосан ошкор қилиниши белгиланган.

молиявий активнинг ҳаққоний баҳосини билмаслик ушбу молиявий активнинг ликвидлилиқ даражасини пасайтиради. Ўзбекистон тижорат банкларида кредитлар олди-сотди амалиётлари ривожланмаётганлигининг асосий сабабларидан бири ушбу активларнинг реал баҳоси тижорат банклари томонидан мунтазам равишда ўрганилмаётганлигидадир.

Молиявий активнинг дастлабки тан олиниши ҳамда ҳисобини юритишда унинг баланс қийматига бир неча асосий кўрсаткичлар таъсир кўрсатади. Жумладан: 1. Молиявий активни сотиб олиш (қабул қилиш, ишлаб чиқариш, ва ҳ.к) тан нархи; 2. Молиявий активни сотиб олиш ва сақлаш мақсади ва муддатлари; 3. Молиявий активнинг даромадлилик даражаси ва ундан кутилаётган пул оқимлари хусусиятлари; 4. Молиявий активни сотиб олиш ва кейинчалик уни сотишда (тугатишда) сарфланадиган ҳаражатлар миқдори; 5. Молиявий актив бўйича бозорнинг фаоллик даражаси; 6. Тижорат банкининг ҳисоб сиёсати; 7. Молиявий активнинг риск даражаси; 8. Молиявий активнинг кадрсизланиш ва эскириш даражаси.

Тижорат банклари 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаши [1] белгиланганлиги банклар

МҲХСларини амалга ошираётган банк операцияларини, активлари, мажбуриятлари, капиталлари, даромади ва харажатларини МҲХСлари асосида ҳисобга олишга тайёргарлик кўришини талаб қилади.

МҲХС нинг жорий қилиниши бухгалтерлардан профессионал мулоҳаза юритишни ва бухгалтерия ҳисоби объектларини ҳисобга олишда ҳисоб сиёсатининг аҳамиятини янада оширади.

Тижорат банкларида молиявий воситалар таркибига кирувчи кредитларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш масаласи ўз долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди. Чунки, кредитлар банк активлари, улардан олинган даромадлар, банк маҳсулотлари таркибиде асосий ўринни эгаллайди ва мижозлар томонидан доимий равишда сўралади.

Авваламбор молиявий воситалар МҲХСларида таснифланишини кўриб чиқсак.

## 2-жадвал

### МҲХСларида молиявий воситаларнинг таснифланиши<sup>3</sup>

39-сонли МҲХС (IAS) [9]	9-сонли МҲХС (IFRS) [10]
Сўндириш муддатигача сақланган ( <i>HTM, “Held to maturity”</i> )	Амортизацияланган қиймат.
Кредитлар ва дебитор қарздорлик ( <i>LAR, “Loans and receivables”</i> )	Фойда ёки зарарлар таркибиде ҳақиқий қийматда баҳоланувчи ( <i>FVTPL, “Fair value through profit or loss”</i> )
Фойда ёки зарарлар таркибиде ҳақиқий қийматда баҳоланувчи ( <i>FVTPL, “Fair value through profit or loss”</i> )	Бошқа япли даромад таркибиде ҳақиқий қиймат бўйича баҳоланувчи қарз молиявий воситалар ( <i>FVTOCI, “fair value through other comprehensive income”</i> ).
Сотиш учун мавжуд ( <i>AFS, “Available For Sale”</i> )	Улушли молиявий воситалар ( <i>FVTOCI</i> )

2-жадвалдан кўриниб турибдики молиявий воситалар иккала стандартда ҳам 4 та гуруҳ бўйича таснифланган. 39-сонли МҲХС да асосий эътибор активнинг амал қилиш муддати ва мақсадга қаратилган. 9-сонли МҲХС да эса молиявий натижага таъсир этишига эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда банк молиявий активлари ҳисобининг такомиллашуви тижорат банкларига бўлган ишончни ортиради. Тижорат банкларининг жаҳон молия бозорига кириб бориши, капитал жалб қилиши ва инвесторлар билан ишлаши самарадорлиги ортади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4611-сон қарори, 2020 йил 24 февраль
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 30 ноябрдаги “Тижорат банкларида молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги 1528-сон низоми

<sup>3</sup> Муаллиф томонидан тузилди

3. “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти
4. Абдуллаева Ш.З. Банк иш. -Т. : Молия 2003 йил, 131 б.
5. Банковское дело: Учебник/ под. ред. Г.Г. Коробовой. – М. : Экономика, 2004. – с. 132
6. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. -М.: Аскери, 2009. – с. 43
7. Z.A.Umarov, A.K.Ibragimov, N.K.Rizaev, M.D.Marpatov,– Banklarda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari / darslik – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2019 – 500 б.
8. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти
9. <https://www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/ias-39-financial-instruments-recognition-and-measurement/> IAS 39 Financial Instruments: Recognition and Measurement
10. <https://www.ifrs.org/issued-standards/list-of-standards/ifrs-9-financial-instruments/> IFRS 9 Financial Instruments